



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 3 -Mарт

369a -son

Bog‘ot shaharchasi

Хоразм вилояти ҳокимининг 2021 йил 26 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини коплаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 95-сонли қарорининг 5 ва 6-бандларининг 54к-сонли қарори тўғрисида ижросини таъминлаш мақсадида

Қарор қиламан:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини коплаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 95-сонли қарорининг 5 ва 6-бандлари, Хоразм вилояти ҳокимининг 2021 йил 26 февралдаги 54к-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги 95-сонли қарори билан:

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисобланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Туман ҳокимининг 4-иловага мувофиқ айрим ҳужжатлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Тегишли бошқармалар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Э.Худайбергенов зиммасига юклансин.

Богот тумани ҳокими

Ш.Яхшибаев